

51 (551)-сон

— 37 —

577-модда

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

577 Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ-1836-сон қарорига мувофиқ, шунингдек иқтисодиёт тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш жараёнларида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг ролини ошириш ва иштироки қўламларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Кўйидагилар:

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси Кенгаши таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 4-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 19 декабрь,
356-сон

* 3-илова берилмайди.

Вазирлар Махкамасининг

2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ахборот-коммуникация технологияларини
ривожлантириш жамғармаси түғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб аталади) алоқа, ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида устувор ва ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳалар, илмий-тадқиқот ишлари ни маблағ билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-га, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун хужжатларига ва ушбу Низомга амал қиласди.

3. Жамғарма нотижорат ташкилоти ҳисобланади, ўз балансига, банк ҳисоб рақамларига, Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампларга, бланкаларга эгадир.

Жамғарма ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг барча активлари билан жавоб беради.

Жамғарманинг маблағлари ушбу Низомда назарда тутилган мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади.

II. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари

4. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлашдан тушувчи маблағларнинг 50 фоизи;

2018 йил 1 январгача абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағларнинг 30 фоизи;

алоқа соҳасида норматив-ҳуқуқий хужжатлар талаблари, давлат тармоқ стандартлари, кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун мулчичлик шакллари ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар алоқа соҳасида фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслардан жарима жазолари сифатида ундириладиган маблағларнинг 45 фоизи, рақобат түғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлиги учун солинадиган иқтисодий жазолар ва жарималар бундан мустасно;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ банк депозитлари шаклида ва бошқа шаклларда жойлаштиришдан тушган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек ҳалқаро ташкилотларнинг хайрия эҳсонлари.

III. Жамғарманинг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари

5. Куйидагилар Жамғарманинг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

а) ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган манбалардан тушган маблағларни жамлаш;

б) Жамғарма ҳисоб рақамларида жамланган маблағлардан:

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг идоралараро интеграциялаштирилган ахборот тизимларини жорий этишини, маълумотлар узатишнинг идоралараро тармоқларини ташкил этишини, «Электрон Ҳукумат» тизимларини ва давлат буюртмаси доирасида амалга ошириладиган қидириш тизимларининг миллий сегментини шакллантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиши, амалга ошириш ва кузатиб боришни;

ҳалқаро стандартларга мувофиқ ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда алоқа, телевидение ва радиоэшиттириш соҳасида телекоммуникация тармоқлари ва тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилишни;

Интернет тармоғининг миллий сегментини шакллантиришни, турли йўналишдаги замонавий маҳаллий ахборот ресурсларини, шу жумладан ахолининг, айниқса ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал эҳтиёжларини қондириш учун тармок ресурсларини шакллантиришни;

давлат ахборот ресурслари ва маълумотлар базасини шакллантириш, саклаш ва улардан фойдаланишнинг ягона тизимини ишлаб чиқиши, амалга ошириш ва кузатиб боришни;

маълумотлар узатиш тармоқларини ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида устувор лойиҳаларни амалга оширишни, норматив-хукуқий ҳужжатлар, илмий-тадқиқот ишлари ва дастурларни ишлаб чиқиши, шунингдек ушбу соҳада лойиҳаларни тайёрлаш учун тадқиқотлар ўтказишни;

алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари, республиканинг бутун худудида маълумотларни узатиш миллий ва ҳалқаро ахборот тармоқларидан юқори тезлиқда фойдаланиш соҳасида хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқиши ва жорий этишини;

алоқа, компьютер ва тармоқли технологиилар, дастурлаштириш ва электрон маълумотлар базасини яратиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришни, шунингдек компьютер ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган ўқитиш тизимини;

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуника-

577-модда

— 40 —

51 (551)-сон

ция технологиялари давлат кўмитаси хамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси аппарати фаолиятини ходимларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базани мустаҳкамлаш юзасидан;

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси тизимиға кирувчи телекоммуникация ва ахборот тизимлари устидан бошқариш ва назорат қилиш органларини, шунингдек алоқа объектлари давлат кадастри хизматлари, электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари фаолиятини, терминология ва луғатларни, стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотларни ва базавий метрологик хизматни, шунингдек ахборотлаштиришни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича мустақил даромад манбаига эга бўлмаган хизматларни ривожлантиришга кўмаклашишни;

Республика ахборот-кутубхона марказининг фаолиятини;

ахборот ва почта хавфсизлиги, телекоммуникация тармоқлари тизимини, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш технологияларини жорий этишни, замонавий талаблар ва стандартларга мувоғик ахборот ва почта хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник инфратузилмани ривожлантиришни;

танлов асосида танлаб олинадиган алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини реконструкция қилиш, уларни ривожлантириш ва компьютерлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни;

эфирга рухсат берилмаган чиқишиларнинг ва давлат тузилмалари радио воситаларига тўсқинлик қилишининг олдини олиш мақсадида радио частота спектридан фойдаланиш устидан давлат назорати учун маҳсус назорат-ўлчов техникаси сотиб олиш харажатларини қисман қоплашни;

ахборот-коммуникация технологияларининг сифатли воситаларини ва маҳаллий дастурий маҳсулотларни, шу жумладан ижтимоий-кўнгилочар ва таълим йўналишидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни;

қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатувчи алоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ташкилотларига вақтинча молиявий ёрдам беришни;

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқлари ва чекка аҳоли пунктларининг телекоммуникация инфратузилмасини мақсадли қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантиришни;

операторлар ва провайдерлар томонидан кўрсатиладиган универсал алоқа хизматларини ривожлантиришни;

дастурлаштириш, тизими маъмуриятчилик, компьютер дизайнни, анимациялар ва ахборот технологияларининг бошка йўналишлари бўйича танловлар, мусобақалар ва беллашувлар ўтказиш йўли билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар фаолиятини рағбатлантиришни;

лицензиялар берилганлиги, абонент рақамидан фойдаланганлик учун мобил алоқа операторлари томонидан тўланадиган тўлов, алоқа соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслардан олинган жарима санкцияларининг ундиришдан тушган маблағлар суммасининг 5 фоизи микдорида давлат божи Ўзбекистон Миллий кутубхонаси хузуридаги бюджетдан таш-

кари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамгармасига ажратилиши бўйича харажатларни молиялаштиришда фойдаланиш.

IV. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

6. Жамғарма маблағлари фақат тегишли лицензиялар асосида ўз фоалиятини республика ҳудудида амалга оширувчи, мулкчилик шаклларидан катъи назар юридик шахсларга, шунингдек алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида ўқув, илмий-тадқиқот муассасаларига, тартибга солиш, бошқариш органларига ҳамда ушбу соҳа ташкилотларига маълумотлар базасини сақлаш ва шакллантиришнинг идоралараро интеграциялашган ахборот тизимларини жорий этиш учун берилиши мумкин.

Юридик шахслар йилнинг хар чорагида Жамғармадан олинган маблағлар ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб берадилар.

7. Жамғарма маблағлари:

бекараз молиявий қўйилмалар ва грантлар, тасдиқланган харажатлар сметалари доирасида мақсадли бекараз молиялаштириш;

Жамғарма томонидан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг маҳсус комиссияси танловидан ва Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк» да экспертизадан ўтган алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида ривожлантириш лойиҳалари учун бериладиган қарзлар;

Жамғарманинг Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»да очилган кредит линияси орқали кредитлар шаклида ажратилади.

8. Жамғарма томонидан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасидан экспертизадан ўтган ҳамда Жамғарманинг тасдиқланган бюджетига мувофиқ Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»да очилган алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини, радиоэшилтириш ва телевидение воситалари ва тармокларини ривожлантиришнинг аниқ лойиҳаларига ажратилади ҳамда ушбу маблағларга фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга ошириладиган маблағлар учун назарда тутилган солиқ солиши тартиби татбиқ этилади.

V. Жамғарманинг ҳуқуқлари

9. Жамғарма қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

мазкур Низомнинг II бўлимида белгиланган манбалардан тушувчи маблағларни ўзининг банк ҳисоб рақамларида жамлаш;

маблағларни алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги ташкилотлар сармоясига инвестиция килиш йўли билан улардан фойдаланиш, уларга Жамғарманинг Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк» да очилган кредит линияси орқали кредитлар бериш;

577-модда

— 42 —

51 (551)-сон

Жамғарма томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш, маблағ билан таъминлашни тўхтатиб қўйиш ёки қонун бузилиши аниқланган тақдирда ажратилган маблағларни чакириб олиш;

вақтинча бўш маблағларни қисқа муддатли ликвидли молиявий воситалар (депозитлар, қимматли қофозлар, облигациялар ва хоказолар)га жойлаштириш.

10. Жамғарма маблағларини жойлаштиришга доир барча операциялар Жамғарма Кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Жамғарма бюджети доирасида Жамғарма Кенгаши билан келишган ҳолда амалга оширилади.

11. Жамғарма, Жамғарманинг маблағларини алоқа воситалари ва тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маълумотларни узатиши ва ахборот-коммуникация технологиялари, радиоэшиттириш ва телевидениенинг аниқ лойиҳаларига ажратишда шартларни белгилашга ҳақлидир.

12. Жамғарма савдо-воситачилик, лизинг, траст, ипотека операцияларини амалга ошириш, шунингдек қарз маблағларини жалб этиш хукуқига эга эмас.

13. Жамғарма қонун хужжатларига мувофиқ ушбу Низомда назарда тутилган фаолиятни таъминлаш учун Жамғарма Кенгашининг қарорларига мувофиқ мол-мулкка әгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуқига эгадир.

VI. Жамғарманинг мажбуриятлари

14. Жамғарма:

ресурслардан самарали фойдаланишини таъминлашга;

маблағлар тушуми ва сарфланиши ҳисоби ва ҳисботини юритишига;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тугаган давр учун Жамғарма фаолияти тўғрисида ёйма ҳисбот тақдим этишига;

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиши юзасидан назорат қилишга;

ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа хизматларининг барча турларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қўмаклашишга;

ҳар йилнинг 1 декабридан кечикмай чораклар, тушум манбалари ва харажатлар йўналишлари бўйича навбатдаги йилга прогноз бюджетни тузишга ҳамда уни Жамғарма Кенгаши тасдиқлаши учун киритишига;

ҳар бир календарь чоракдан кейин йигирма кун мобайнида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тугаган чорак учун молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисбот тақдим этишига мажбурдир.

VII. Жамғармани бошқариш

15. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк» раҳбарларининг ўринbosарларидан иборат таркибдаги Жамғарма Кенгаши Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

51 (551)-сон

— 43 —

577-модда

Жамғарма Кенгашининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Жамғарма Кенгашининг раиси ҳисобланади.

Жамғарма Кенгashi раиси ва аъзолари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажарадилар.

16. Жамғарма Кенгashi маблағлардан, шу жумладан фойдаланнишнинг устувор йўналишлари ва шартларини белгилайди, Жамғарма бюджетини кўриб чиқади ва маблағлардан фойдаланиш тўғрисида Жамғарма директорининг ҳисботини эшигади, шунингдек, зарурят бўлганда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Жамғарма бошқарув аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш хуқуқига эга бўлади.

17. Жамғарма Кенгashi мажлислари бир чоракда камида бир марта ўтказилиди. Зарурат бўлганда навбатдан ташқари мажлислар чакирилиши мумкин.

18. Жамғарманинг жорий фаолиятига ва Жамғарма Кенгashi қарорлари баҳарилишига раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган ҳамда лавозимга Жамғарма Кенгashi томонидан тасдиқланадиган директор бошчилигидаги дирекция томонидан амалга оширилади.

19. Жамғарма директори:

Жамғарманинг жорий фаолиятини ташкил этади ва Жамғармага юклangan вазифалар бажарилиши учун жавоб беради;

Жамғарма ходимларини ишга қабул қиласди ва ишдан бўшатади;

давлат органлари, муассасалар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек ҳалқаро ташкилотлар олдида Жамғарма манфаатларини ифодалайди;

юридик ва жисмоний шахслар билан Жамғарма фаолиятига тегишли шартномаларни тузади, Жамғарма номидан ишончномасиз иш кўради;

штат рўйхатини, Жамғарма маблағлари ҳисобига Жамғарма аппарати таъминотига харажатлар сметасини тузади ва тасдиқлаш учун Жамғарма Кенгashiга тақдим этади;

лавозим йўриқномаларини ва Жамғарманинг бошқа ички хужжатларини тасдиқлайди;

Жамғарма номидан даъво аризалари беради;


Жамғарма ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

ушбу Низомга ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди.

20. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ тутатилади ва қайта ташкил этилади.

Вазирлар Махкамасининг
2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш
жамғармасининг бошқарув аппарати
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг умумий чекланган сони — 13 киши,
улардан: бошқарув ходимлари — 10 киши;
ёрдамчи ходимлар — 3 киши

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш жамғармаси Кенгашининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 4 ноябрдаги 490-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 53-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши, шунингдек қарорга 2 ва 3-иловалар.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) илованинг 75-банди.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 11 ноябрдаги 499-сон қарорига 4-илованинг 2-банди.
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 17 январдаги 28-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 1-сон, 5-модда) илованинг 31-банди.
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда) 3-илованинг 20-банди.
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ-1087-сон қарори)» 2009 йил 11 июнядаги 159-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 44-модда) 1-илова 3-бандининг «а» кичик банди.
8. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағ ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 2-илованинг 9-банди.
9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2012 йил 23 майдаги 143-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 34-модда) илованинг 11-банди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.